

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 20-mart, chorshanba № 22 (15660)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Шу кунларда каттаю кичик барча юртдошларимиз бағрини кенг очиб, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи бўлмиш Наврўз айёмини «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам!» деб, шоду хуррамлик билан кутиб олмақда.

Шу мунаввар тонгда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Наврўз айёми билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Қадрли юртдошлар!

«Нима учун биз Наврўзни доимо соғиниб, интизорлик билан кутамиз? Нима учун бу сана барчамиз учун энг севимли, энг ардоқлайдиган байрамимизга айланиб қолган?», деган савол берилиши табиийдир.

Бунинг сабаби, Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сиёсатлардан холи, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Нега деганда, Наврўз ўз руҳи ва ғоялари билан ҳар қайси инсон она заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми эканини, табиатнинг нақадар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъзозлаб, ҳамнафас бўлиб яшашга ундаши билан бизга қадрлидир.

Ҳар қандай ғараз, гиналар ва низолардан воз кечиб, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, аҳиллик ва бирдамлик, элатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик нақадар бебаҳо бойлик эканини улуғлаши, ўзининг даъватлари билан Наврўз байрами халқимизнинг қарашларига ғоят ҳамоҳангдир.

Айни ана шундай чуқур мазмун ва маънога эга бўлгани туфайли, хосият ва файз, кут-барака ва муруват каби хусусиятларни ўзида мужассам этиши билан кун ва тун тенг келадиган шарқона Янги йилимизни — бу гўзал баҳор айёмини барчамиз орзиқиб кутамиз, эъзозлаймиз, хурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида ўтказамиз.

Бунинг яққол тасдиғини шу кунларда юртдошларимизнинг тобора очилиб келаётган табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атро-

фида, яшил майдон ва кўкаламзорларда ўтказилаётган сайил-томошаларда, миллий кураш ва улоқ чопиш мусобақаларида кўриш ва кузатиш қийин эмас.

Айни шу бетакрор фаслда одамларимиз халқимизга мансуб бўлган, унинг одатига айланиб кетган қадриятлар — бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби эзгу фазилатларни яққол намён этиб, ўз қувончи ва шодлигини яқинлари, дўсту ёрлари, кўниқўшилари билан баҳам кўришга интилади.

Она Ватанимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча-барча юртдошларимиз ана шундай хурсандчилик кайфиятига берилиб, Наврўзни ўз қадрдон байрамидек қабул қиладди.

Мана шундай қувончли дамларда бугун халқимизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодиёналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг мухтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, барча азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан кутлаб, уларга миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Шу ёруғ лаҳзаларда мана шундай муҳташам ва файзли майдонда жамулжам бўлган сиз азизларга, сизларнинг сиймонгизда барча табаррук кексаларимиз, мунис опа-сингилларимизга, кўзлари ёниб турган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш навқирон ёшларимизга — менинг фарзандларимга ўзимнинг чуқур меҳрим, севги ва ҳурматимни изҳор этаман.

Барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги дилбар айём билан кутлаб, юрагимда, қалбимда бўлган самимий тилакларимни билдираман.

«Обод турмуш» деб ном олган йилимизнинг Наврўзи ҳаммамизга, барча-барча хонадонларга, оилаларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака келтирсин!

Орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Сардор Муллажонов фотоколлажи

БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Қиш захридан толиққан замин баҳор насимидан энтикади. Шарқираб оққан сувлар унга яна ҳаёт бахш этади. Дарахтлар сулув келинчақлардек бошига яшил гулчамбар тақади. Қиру адирларда майсалар бўй чўзади. Мусаффо осмон узра чарақлаб чиққан кўёш кўнгилларни-да ёриштириб юборади.

Бундай фараҳбахш дамларда инсон қалби беихтиёр қувончга тўлади. Шу кунларга етганига шукрона айтиб, шоду хуррамлик қилгиси келади.

Ана шу табиий эҳтиёжнинг, эзгу хоҳиш-истакнинг ҳосиласи бўлиб юртимизга Наврўз кириб келди. Шаҳару қишлоқларда, ма-

ҳалларда карнай-сурнай садолари янграмоқда. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамларнинг юз-кўзларида шодумонлик. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, уйинқароқ болакайлар, баҳордек латофатли қиз-жувонлар, оташ-қалб йигитлар Наврўз сайлига ошиқади...

19 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мухтарам отахону онахонлар, турли

соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилади.

(Давоми 2-бетда)

БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ



(Давоми,
боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдон атрофида турфа ранглардаги байроқчалар хилпиради. Саҳна тегра-сида ўрнатилган сўрилар, қўшайвонлар халқимизнинг обод ва файзли хонадонларини эслатади. Оҳиста айланаётган чархпалак бу манзилларга ободлик ва фаровонлик белгиси — обиҳаёт олиб келади. Ҳар бир юртдошимизга таниш, кўнгилга яқин бундай файзли манзара қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши, янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саррин куй оғушида улкан мониторларда юртимиз манзаралари — ям-яшил боғлар, бепоён далалар, замонавий иншоотлар, қадимий обидалар, бунёдкор замондошларимиз қиёфаси намоён бўлади.

Майдонга Обод турмуш маҳалласи фаоллари чиқиб келади. Наврўз байрамини аҳиллик ва ҳамжиҳатликда, маҳаллани янада обод ва кўркем этган ҳолда кутиб олиш борасида кенгашади.

Наврўз ободлик, орасталлик, меҳр-оқибат, хайру саховат айёмидир. Халқимиз бу йил ҳам Йилбошини ана шу эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олмақда. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиқди. Умумхалқ ҳашари ташкил этилиб, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар-жойлари ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда муқаддас қадамжолар тартибга келтирилди, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди.

Байрам кунларида сергайрат ёшлар, қўли очиқ тадбиркорлар кўмакка муҳтожларга беминнат ёрдам берди. Бе-

морларнинг ҳолидан хабар олинди. Қўни-қўшнилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинди.

Кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган, юртимиздаги барча маҳаллада қарор топган бундай ҳамжиҳатлик муҳити Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида маҳалла институтини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самараларидандир.

Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Маҳалла идорасининг ҳуқуқ ва ваколатлари тобора кенгайтирилмоқда. Бу фуқаролик жамиятини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликни кучайтириш, пировардида, ҳаётимизни янада обод қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

... Саҳнага — майдонга жажжи болакайлар кириб келади, ҳар тараф шўх-шодон кулгига тўлади. Улар ижросидаги бахтиёр болаликни, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва кувноқ ҳаётини тарафдор этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар барчага завқ-шавқ бағишлайди...

Халқимиз азал-азалдан фарзандлар бахту иқболини ўйлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Наврўз кунларида фарзандларига атаб, уларнинг бахтли ва фаровон келажагини ўйлаб ниҳол экиб, боғ яратади.

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиде, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни

ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар самараси ўғил-қизларимизнинг соғлом ва баркамоллигида намоён бўлмоқда. Таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимидан иборат барча босқичида замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, чет тилларда эркин сўзлашадиган, жисмонан чиниққан, эътиқоди мустаҳкам авлод вояга етмоқда.

Бу Франциядаги «Инссад» халқаро бизнес мактаби томонидан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасида ҳам ўз ифодасини топди. Инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган ушбу маърузада Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон капитални ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса 2-ўринни эгаллади. Ёшларимиз энг нуфузли танловларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. 2012 йилда футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чемпионатида йўлланма олди.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган «Бунёдкор» спорт комплекси мамлакатимиз спорти ҳаётида, қолаверса, Ўзбекистон тарихидаги катта воқеа бўлди. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан Ўзбекистон футбол федерациясининг «Fair Play» (ҳалол ўйин) соври-

ни билан тақдирлангани Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Тинч-осойишта элда хурсандчилик, тўй-томоша бўлади, ҳаловатли халққа байрамлар ярашади. Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасида осмонимиз мусаффо, тинчлик-барқарорлигимиз мустаҳкам, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ҳаёт кечирмоқда.

Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади, дейди халқимиз. Дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган нотинчликларни, таназзулни кўриб, ушбу нақл ҳикмати янада чуқурроқ аңғаймиш. Шундай тинч, осуда, фаровон юртда яшаётганимизга шукроналар айтамыз.

Тинчлик барқарор юртда қут-барака, ривожланиш бўлади. Буни глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётган бугунги шароитда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатларда ривожланаётганида ҳам кўриш мумкин. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасида 2012 йилда Ўзбекистон аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди. Аҳоли дарамадлари миқдори 17,5 фоизга кўпайди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилаётган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Утган йилда ушбу мақсадга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дасту-

рини амалга ошириш ҳисобидан қарийб бир миллион янги иш ўрни ташкил этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бундан буён ҳам энг устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади. Хусусан, жорий йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Бу оилалар фаровонлигини, маҳаллалар ободлигини, ёшларнинг ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси алоҳида ўрин тутаяди. Бугунги кунда ушбу сектор жамиятимиздаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг муҳим омиллиги, юртимизни тараққийёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Соҳа вакиллари халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги, иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Бу жиҳатлар 2012 йил 14 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда хорижлик ишбилармонлар, етакчи экспертлар томонидан ҳам эътироф этилди.

Янгиланиш — нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос жараён. Наврўз арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилади. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшиш билан бирга, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Наврўздан Наврўзгача мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида улкан ишлар амалга оширилди. Йирик ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди.

Самарқанд вилоятида Германиянинг «МАН» компанияси билан ҳамкорликда юк автомобили ишлаб чиқариладиган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди. Сурғил кони базасида дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши бошланди. Қашқадарё вилоятида Жанубий Африканинг «Сасол» компанияси ва Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси билан ҳамкорликда синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳани амалга оширишга киришилди.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186 миллион долларлик 8 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

(Давоми,
боши 1-, 2-бетларда)

2012 йилда Ўзбекистонда барча қишлоқ хўжалиги экинлари — ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг ривожлантирилаётгани, фермерлик ҳаракатига кенг имкониятлар берилаётгани бундай юксак натижаларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда.

Хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос турлари жадал ривожланмоқда. Жумладан, 2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди.

— Ўзбекистонда баҳор байрами — Наврўзни тўртинчи марта кутиб олаётганидан мамнунман, — дейди Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван. — Ҳар йили ушбу айёмда тайёрланадиган сумалакни бажонидил тановул қиламан. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Буни мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин қалбидан муборакбод этаман, тинчлик, бахт-саодат тилайман!

— Наврўз — ўзига хос ноёб, ажойиб байрам, — дейди Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Франсуа Готье. — Бу байрам барчага қувонч улашади, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Биз ҳам бу шодиёнда да иштирок этиб, давлат ва жамоат арбоблари, хорижлик меҳмонлар, ҳамкасбларимиз билан дийдор кўришамиз, байрам дастурини катта қувонч билан мириқиб томоша қиламиз. Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртингиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаётдан далолатдир.

Наврўз байрамини хурсандчилик, ўйин-кулги, яхши тилак ва истаклар билан кутиб олиш ва ўтказиш халқимизнинг эзгу фазилатларидандир. Бу кунларда халқ термалари, бахшилар айтишуви, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, лапарлар янграган. Улоқ-

БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ



Сарвар ҲАМОНОВ,
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар

кўпқари, кураш, мерганлик, кўчқор ва хўроз уриштириш каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, кўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этган. Сумалак, ҳалим, кўксомса каби хилма-хил баҳорий таомлар пиширилган.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ана шу бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, санъатнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаёттир.

«Art Week Style.uz — 2012» санъат ҳафталиги ҳам ўзига хос маданият ва санъат байрамига айланди. Ҳафталик доирасида ўтказилган «Олтин Гепард» иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми, «Theatre.UZ/2012» халқаро театр фестивали, VI халқаро Тошкент фотобиеннаlesi каби йирик лойиҳаларда мусиқа, кино, театр, фотография, тасвирий санъат, дизайн-ерлик, мода, меъморлик каби кўплаб соҳа ва йўналишлардаги ютуқлар намойиш этилди.

2012 йилда Конституциямиз қабул қилинганининг 20 йиллигини нишонладик.

Обод турмуш йили арафасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўпқаватли замонавий уйлар фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгилаб, бошқа иншоотлар билан уйғунлик касб этди. Пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик талаблари асо-

сида режали ривожлантиришга қаратилган бундай изчил ишлар самарасида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олмоқда. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилгани бунинг далилидир.

Президентимиз Ислом Каримов таклифига биноан Обод турмуш йили, деб эълон қилинган жорий йилда мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий архитектура талаблари асосида уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш борасидаги бундай ишлар янада кенг кўлам касб этмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган 10 мингта яқка тартибдаги замонавий уй-жой қишлоқларимиз қиёфасини яхшилаш, одамларнинг турмуш маданиятини оширишга хизмат қилади.

Бундай юксалишлар юрдошларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ҳам ўзгартирмоқда. Одамлар бугунги ҳаётдан мамнун бўлиб, келажакка катта ишонч билан яшамоқда. Каттаю кичикнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бормоқда.

— Наврўз тантаналарини томоша қилар эканман, Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳар томонлама ривож-

ланганига, одамларимизнинг турмуш даражаси ўсиб, дунёқарашини ўзгариб бораётганига яна бир бор амин бўлдим, — дейди Фарғона вилояти меҳнат фахрийси Комилабиби Худойназарова. — Мисли кўрилмаган бу ютуқлар, бу ўзгаришлар мана шу тантаналар шукӯҳида, юрдошларимизнинг қувончида ҳам яққол кўриниб турибди. Шундай дориломон кунларга етганимизга шукроналар айтамыз. Илоҳим, юртимиз тинч, ҳаётимиз обод, халқимиз фаровон бўлсин.

Бахтли яшашнинг омилларидан бири саломатликдир. Замонавий шифо масканлари бунёд этиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар халқимизнинг ана шундай бахтли ҳаёт кечиршини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари даражасида диагноз қўйиш ва уларни даволаш имконини берадиган Кардиожарроҳлик мажмуасининг очилиши аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилаётган эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди.

Жорий йилда ҳам обод турмушнинг муҳим шарт сифатида инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, касал-

ликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш масалалари устувор вазифа бўлиб қолади.

... Сумалак — минг дардга даво тансиқ таом. Кўпчиликнинг меҳридан, бирдамлик ва аҳилликдан тотли бўлган неъмат. Халқимиз ҳар йили баҳорда дошқозонларда сумалак пиширади. Кўни-кўшни, маҳалла-кўйга тарқатади. Бу танларга қувват, руҳга тиниқлик бағишлайди. Ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонимизнинг бош саҳнасида сумалак тайёрланиши ана шундай миллий қадриятларимизни, эзгу интилишларни ифодалайди. Шўхшодон болакайлар «Сумалак» кўшигини ижро этади.

Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш хонандалар ўзларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини ижро этадилар.

Майдон узра таралган музикавий оҳанглар, ҳофизлар хонишида Наврўз, Ватан, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳити, ёшлик, севги ва вафо тараннум этилади...

Миллий боғда ташкил этилган халқ хўнарамандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг бой маданий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилда фахр уйғотади.

Қиру адирларда, дашту далаларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, борлиқни уйғотувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари, байрам шодиёналари давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири

Истеъдодли ёшлар сафи кенгаймоқда

Президентимизнинг 2013 йил 2 мартда қабул қилинган «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорига асосан адабиёт, маданият, санъат, таълим ва спорт соҳаларидаги ибратли фаолияти ҳамда эришган ютуқлари учун бир гуруҳ ёш истеъдод соҳибалари мамлакатимизнинг ушбу нуфузли мукофотига сазовор бўлди. Улар орасида Бухоро давлат университети қошидаги 3-академик лицей ўқувчиси Нафосат Жўрабекова ҳам бор.

Истеъдодли ёшлар — миллат келажиги, мамлакат таянчидир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида унибўсиб келаётган навқирон авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, чуқур билим олиши, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун барча шароит яратилмоқда. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, тизим моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган эътибор ўз самарасини бераётир. Буни Қоракўл туманидаги 3-академик лицей ёшлари эришаётган ютуқлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Машгулотлар илғор педагогик технологиялар асосида олиб борилаётган мазкур ўрта махсус билим маскани ўқувчилари ҳар йили мамлакат ва

халқаро фан олимпиадаларида совринли натижаларни қўлга киритиб келаётир.

Республикаимизнинг турли вилоятлари ва пойтахтимиздан келган ёшлар таҳсил оладиган ушбу академик лицей ўқувчиси бўлиш — шарафли иш. Чунки бу ерда бир ўринга ўртача саккиз-тўққиз нафар талабгор тўғри келади.

Нафосат ўтган йили лицейга имтиёзли асосда қабул қилинди. У тумандаги 52-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабда ўқиши давомида 2011 йили ўтказилган «Билимлар синови» танловида инглиз тили фани бўйича вилоят босқичида ғолибликка эришгани ва ўтган йили фан олимпиадасида рус тили йўналишида иккинчи ўринни эгаллагани туфайли ана шундай

имкониятга эга бўлди.

— Нафосат ўткир зеҳни, илмга чанқоқлиги билан кўпчиликка ўрнак бўлаётир, — дейди адабиёт муаллими Дилфуза Хўжаева. — У нафақат ижтимоий-гуманитар йўналишдаги, балки физика, математика, кимё, биология сингари аниқ фанларни ҳам чуқур ўзлаштиради. Дунёқараши кенг, бадиий китобларни кўп мутолаа қилади. Ўзи ҳам ҳикоялар ёзади, бадиий таржима билан шуғулланади. Нафосат ўзбекчага ўйган инглиз ва рус халқ эртаклари «Беғубор олам» номи билан ўтган йили чоп этилди.

2012 йил Нафосат учун жуда омадли келди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар маркази ҳамкорлигида ўтказилган анъанавий «Келажак овози» кўрик-танловининг республика босқичида наср номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ўтказилган «Нафосат ғунчалари» танловининг туман ва «Мустаҳкам оила — оқибатли болалар» шиори остида ўтка-

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari



зилган иншолар танловининг мамлакат босқичида юқори натижаларга эришди.

Нафосат «аъло» баҳоларга ўқиш билан бирга, туман миқёсида ўтказиладиган турли тадбирларнинг фаол иштирокчиси. У икки йил давомида «Камалак» болалар ташкилотининг туман сардорлар кенгаши ни бошқариб келмоқда, айна кунда эса лицей «Камолот» бошланғич ташкилотига етакчилик қилмоқда.

— Юртбошимиз томонидан турли соҳаларда ўз истеъдоди

ва маҳоратини намойён этаётган ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз, — дейди Нафосат Жўрабекова. — Хусусан, Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ кўрилганим зиммамга катта масъулият юклайди. Кўрсатилаётган меҳр-эътиборга жавобан келгусида эл-юртимиз корига ярайдиган етук мутахассис бўлиб етишиш — энг катта орзуим.

Эркин ЁДГОРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

«Моҳир қўллар»га қизиқиш камта

Учкўприк қурилиш ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан айни кунда 1706 нафар йигит-қиз тўққиз йўналишда касб-хунар сирларини ўрганишяпти. Уларга 126 нафар педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталари мураббийлик қиляпти.



Коллежда янги инновацион технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Бу ўқувчиларнинг фанларга, касбга бўлган қизиқиши ортишига асос бўляпти.

Ўқув юртида ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали банд этиш мақсадида 23 та умумтаълим, 16 та махсус фанлар бўйича тўғрак ва 6 та спорт секцияси фаолияти йўлга қўйилган. Иқтисод фани бўйича «Ёш иқтисодчи», инглиз

тили фанидан «Ёш таржимон», тикувчилик йўналиши бўйича «Касбим — фахрим», «Моҳир қўллар» ва «Ёш тикувчилар» тўғракларига ўқувчиларнинг қизиқиши катта.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

СУРАТДА: «Моҳир қўллар» тўғраги раҳбари Ўғиллой Қамбарова машгулот пайтида.

Қизларнинг кўрки — атлас



«Камолот» ЁИҲ Урганч шаҳар кенгаши томонидан шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда «Атласларда мужассам ҳаё» мавзuida қизлар анжумани ташкил этилди.

Анжуманга миллий либосларда келган ўқувчи ва талаба қизлар миллий урф-одатларимиз акс эттирилган сахна кўринишлари, миллий куй ва қўшиқлардан тузилган байрам дастурини намойиш этишди. Иштирокчилар, шунингдек, Урганч шаҳрининг тарихи, туристик салоҳияти ва халқимизга хос меҳмондорчилик анъаналари ҳақида инглиз, немис ва француз тилларида тақдимот қилишди.

Анжуман давомида урганчлик ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўргазмаси ташкил этилди.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Қўшиқлар, лапарлар, миллий ўйинлар

Navro'z nafasi

Қашқадарё вилоят амфитеатрида Наврўз нишонланди. Унда хонандалар, кулги усталари, дорбозлар чиқиш қилди.

Тантанани Қашқадарё вилояти ҳокими Туробжон Жўраев кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида вилоятда олиб борилаётган ишлар, кенг кўламли ислохотлар ҳақида гапириб, барчани Наврўз билан қутлади.

Байрам тантаналарида вилоятнинг турфа анъаналари, ўзига хос удумлари, қадим тарихдан дарак берувчи миллий ўйинлари иштирокчиларга ўзгача завқ ва хушнудлик улашди. Касбилик кўли гул усталарнинг кулполчилик буюмлари, Чирокчи зардўз ва каштадўзларининг ишлари, Яккабоғ боғларидаги гўзаллик ва нафислик манзаралари, Косон пазандаларининг тайёрлаган кўплаб пиширик ва баҳорий таомлари ҳамда Қамашни момоларининг ўз анъаналарига хос чиқишлари Наврўз сайлининг жозибали ва кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади.

— Биз ушбу байрамда анъана ва қадриятларимизни кўрсатиб бердик, — дейди Қамашни тумани «Қизилтепа парилари» фольклор дастаси ансамбли вакили Ойновот момо Ҳалимова. — Жамоамиз билан бирга кўшиқлар, лапарлар куйладик. Айниқса, биз намойиш этган бешиктўй маросими ҳақиқий қамашиликларнинг ўз удумларига мос бўлди. Ҳа, биз бу удумимизни бугун Наврўз байрамига олиб келдик. Ушбу маросимда болани бешикка белаш жараёни, шу пайтда момолар айтаётган алла, ёш гўдакка кийдириладиган миллий кўйлак ва ундаги турли ҳолатларни ушбу байрамона чиқишда кўрсатиб бердик. Шунингдек, ангишвона ва ликопча ёрдамида турли куй ва қўшиқлар ижро этдик.

Шодиёнада, шунингдек, республикаимизнинг турли вилоятларидан иштирок этган аскиячилар, қизиқчи ва дорбозларнинг чиқиши ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, байрамда Фарғона вилоятининг Боғдоқ туманидан ташриф буюрган Уктам Қўлдошев бошчилигидаги дорбозлар гуруҳининг чиқиши иштирокчилар олқишига сазовор бўлди. Улар томонидан намойиш этилган тош кўтариш, полвонлар томошаси, илон ўйини, дор томошаси йиғилганларга ҳақиқий байрам кайфиятини улашди.

Ақбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ

Yoshlar hasharda

Асрий анъана давом этади

КЕКСАЛАР ХУРСАНД БЎЛДИ

Харакатнинг Мирзачўл тумани кенгаши фаоллари ва кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази ўқувчилари туманда истиқомат қилувчи боқувчисини йўқотган, ёлғиз қариялар хонадонига ҳашарга боришди. Ховлилар ер майдонини пойбеллаб, гуллар экишди, қаровсиз дарахтларни бутаб, танасини оҳаклашди. Кўпдан кўн қутулмас, деганларидек, ҳашар баҳона туман янада кўркамлашиб, чирой очди. Айниқса, онахонлар миждасида қалқиган севинч ёшлари, улар қилган дуолар ёшлар шижоатига шижоат қўшди.

ТОЗАЛИКНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Фарғоналик тенгдошларимиз ҳам ҳашарда фаоллик кўрсатишди. «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Ватан ободлиги йўлида менинг ҳиссам» шиори остида икки кунлик ободлик ва озодлик тадбирини ўтказди. Ҳашар кунларида вилоятдаги 746 та қабристон обод этилди, «Ҳар бир ёшга бир туп ниҳол» шиори остида ўн мингдан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Харакатнинг туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлардан бириктирилган фаол ёшлар ҳашарнинг уюшқоқлик билан ўтишини таъминлади.

— Ҳашарда ёшларнинг қўлни қўлга бериб, баҳамжihat меҳнат қилганини кўриб, бу қадрият замиридаги халқни бирдамликка даъват этиш, фарзандларни болаликдан меҳнатга, ҳамжиҳатликда ишлашга ўргатишдек улкан ҳаётий дарсни илғаш қийин эмас, — дейди «Камолот» ЁИХ Фарғона вилояти кенгаши маданий ва маънавий-маърифий ишлар бўлим мудири Собиржон Мелибоев. — Бу ҳашарда вилоятимиз ёшлари астойдил меҳнат қилишга, юртимиз ободлигига ўз ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилишди. Назаримда, асосийси, ким қанча ҳисса қўшганида эмас, балки бу хайрли, савобли ишдан ҳеч ким четда қолмаганида.

Ҳашар халқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган, умрбоқий ва эзгуликка йўғрилган улуғ қадриятларидан, десак, муболаға қилмаймиз. Унда халқимизга хос ҳамжиҳатлик, инсонийлик, муҳтожларга беминнат ёрдам қўлини узатиш, тозалик ва орасталикка интилиш каби юксак фазилатлар мужассам. Шу йилнинг 16-17 март кунлари юртимиз бўйлаб ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида бу фазилатлар яна бир бор бўй кўрсатди. Барча вилоятларда, шаҳарларда, қишлоғу овуларда юртдошларимиз кўтаринки кайфиятда қўлга иш қуроладини олиб, юртимиз ободлигига ҳисса қўшишди. Тенгдошларимиз ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган қариялар ҳолидан хабар олиб, уларнинг уй юмушларига бажонидил кўмаклашди. Бу хайрли тадбирда «Камолот»чи ёшлар алоҳида ўрнатилган кўрсатиб, тенгқурларига намуна бўлишди. Қўйида юртимиз бўйлаб ўтказилган ҳашарлардан лавҳалар билан танишасиз.



Шу аснода миллий қадриятларимизнинг бир қисми бўлган ҳашарнинг жамиятимиздаги ижтимоий аҳамияти тенгдошларимиз шуурига амалий иш ва намуна сифатида жо бўлди.

ҲАШАРДА ҲАМ ЎРНАК ЁШЛАР

«Камолот» ЁИХ Бўка тумани кенгашидан ҳам ҳашарга оид яхши хабарлар келди. Туман ёшларини ўз сафига жалб этган бўкалик «Камолот»чилар ҳашарда пешқадамликни қўлдан бермай, ўзига хос озодлик тантанасини нишонлашди. Қабристонлар ободонлигига ҳисса қўшиб, асрий қадриятимизга эҳтиром кўрсатишди. Дарахтларнинг ортиқча новдалари буталиб, чиройли манзара касб этди. Йўлақлар, ариқлар тозаланди. Ҳашар якунида



улар қиёфасида чарчоқ ўрнига ўз ишидан мамнунлик, сўзларида малоланиш эмас, иштиёқ, меҳнат завқи барқ урди.

МЕҲНАТНИНГ РОҲАТИ

Умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгашида «Энг фаол таълим муассасаси», «Энг обод туман (шаҳар)», «Энг обод маҳалла», «Энг кўркам боғ» номинациялари эълон қилинди.

— Бу номинацияларни жорий этишдан мақсад тенгдошларимизнинг иш унумдорлигини янада ошириш, уларни муносиб рағбатлантиришдир, — дейди «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгаши маданий ва маънавий-маърифий

ишлар бўлим мудири Раҳматилла Тоғаев. — Барча туман кенгашларига номинациялар шартлари тўғрисида маълумотлар жўнатилган. Фаол ҳашарчилар муносиб тақдирланмоқда.

Айни пайтда ҳам меҳнат шаштини пасайтирмай, кўтаринки суръатда ободончиликни давом эттираётган Музработ агросервис касб-хунар коллежи жамоаси «Энг обод таълим муассасаси» номинацияси голиби бўлди. Тумандаги марказий истироҳат боғи ҳудудидаги икки гектарлик «Камолот» боғи коллеж ўқувчилари томонидан экилган минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахтлар билан янада кўркамлашди.

Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» мухбири

ОБОДЛИК ВАКТ ТАНЛАМАЙДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан март ойининг «Экологик маданият ва қадриятлар ойлиги» деб эълон қилинган тенгдошларимизни она заминимиз кўрқига кўрқ қўшишга ундаш баробарида, улар қалбида эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бирга ўтказиш каби юксак қадриятларга чуқур эҳтиром уйғотиб, ҳашар ва хайрли ишларда фаол бўлишга чорлади.

Мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари Харакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ҳам катта ташаббус билан ўтказилди. Ҳашар давомида Харакат қошида тузилган «Маънавият тарғиботчилари» гуруҳи аъзолари Нукус шаҳридаги «Шўршабобо» қабристонини ободонлаштириб, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олишди. «Ҳашар — элга ярашар» шиори остида гуруҳ аъзолари юртимизни янада обод этиш мақсадида фаол ҳаракат қилишди. Тенгдошларимиз қабристон атрофидаги дарахтларни оқлаш, янги кўчатлар ўтказиш каби хайрли ишларни сидқидилдан, меҳр билан бажаришди.

Латофат ТОҶИБОЕВА,
Нукус давлат педагогика
институтини талабаси,
«Камолот» стипендияси
соҳибаси

ЭЛГА ЯРАШГАН ҲАШАР

Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб уюштирилган анъанавий ҳашар Бухорода ҳам ҳамжиҳатлик асосида ўтди. Минглаб юртдошларимиз қатори ёшлар ҳам бу хайрли ишдан четда турмади. 155175 нафар ёш иштирок этган мазкур икки кунлик хайрли тадбир давомида 710 гектар майдон, яъни корхона-ташкilotлар ҳудудлари, аҳоли тураржойлари ва йўлақлар ободонлаштирилди. 827 километрлик ариқ ва зовурлар тозаланиб, 531 та қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилди. 17550 квадрат километр уйлар таъмирланди. Шунингдек, яхши ниятлар билан 118730 та манзарали ва 123078 та мевали дарахт, 26900 та тут дарахти кўчатлари ўтказилди. Шунингдек, 89900 туп гул кўчати билан кўча ва иншоотлар йўлақлари безатилди. 542150 та манзарали дарахтга шакл берилиб, оқланди.

Меҳр-оқибат, хайру саховат байрами бўлмиш Наврўз мурувватга муҳтож қалбларга йўл топиши билан ҳам улуғ ва муқаррамдир. Хайрли тадбир кунларида 1803 нафар меҳрга муҳтож киши ҳолидан хабар олиниб, тураржойлари маҳалла фаоллари бошчилигида ёшлар ёрдами билан таъмирланди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

11 та каштан дарахти

Умумхалқ хайрия ҳашари «Камолот» ЁИХ Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан уюшқоқлик билан ташкил этилди. «Юртимни обод этаман» лойиҳаси доирасида эрта тонгдан Харакатнинг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари ва фаоллари ишга киришишди.

Самарқанд темир йўл ва транспорт касб-хунар коллежи ўқувчилари томонидан Беруний кўчаси бўйлаб 11 дона манзарали каштан дарахти экилди.

— Коллежимизга мана шу кўча орқали борилади, — дейди «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Мақсуд Мухторов. — У шаҳримизнинг марказий кўчаларидан бири бўлгани боис, бу ерда кўплаб янги бинолар, кўп қаватли уйлар қад ростлаган. Бугун биз эккан навниҳоллар мана шу кўчанинг чиройига чирой қўшади. Энди бу ёғига ниҳолларни ўзимиз парваришлаймиз. Кейинги ҳафтада гул кўчатларини экишни режалаштирдик.

Самарқанд темир йўл ва транспорт касб-хунар коллежи ўқувчилари «Ёшлик» истироҳат боғида ҳам ободонлаштириш ва тозалаш ишларини олиб боришди.

Наргиза БАҲОДИРОВА,
«Turkiston» мухбири



Ёш фермерлар даласида иш қизғин

Сурхондарё вилоятида касб-хунар коллежларини битирувчилар томонидан ташкил этилган фермер хўжаликлари экин майдонларида баҳорги дала юмушлари уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида фермерлик ҳаракати изчил ривожлантирилаётгани аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётди.

Бугун касб-хунар коллежларини тугатиб, фермер хўжалиги ташкил этаётган йигит-қизлар сафи кенгаймоқда. Улар ғалла, пахта етиштираётди, янги боғлар барпо этмоқда, чорвачиликни кенг йўлга қўймоқда. Буни Сурхондарё вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили Сурхон воҳасида касб-хунар коллежлари битирувчилари томонидан 20 фермер хўжалиги ташкил этилган. Уларга бир минг 289 гектар ер майдони

ажратиб берилган.

— Ёш фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши бўлими мудирини Ўктам Холлиев. — Баҳорги дала юмушлари олдида ёш фермерларга махсус иш кийимлари ва зарур меҳнат қуролилари етказиб берилди. Уларнинг дала ишларини тез ва сифатли амалга оширишида тажрибали мутахассисларнинг қимматли маслаҳатлари, тавсиялари кўл келмоқда. Бунинг натижасида майсалар баравж ривожланаётди. Пахта экиладиган майдонлар мавсумга пухта тайёрланмоқда.

Баҳорги дала юмушларини юқори савияда ташкил этаётган ёш фермерларнинг доимо янгиликка интилиши, қўшимча иш ўринлари яратиш, тенгдошларининг банд-

лик масаласини ҳал этишга кўмаклашаётгани қувонардир. Денов туманидаги «Жартепа» маҳалласида истиқомат қилаётган Маъруф Каримов ана шундай ташаббускор ёшлардан. У Самарқанд иқтисодиёт касб-хунар коллежини битириб, ўтган йили «Маъруф» фермер хўжалигини ташкил этди. Ёш фермерга 78,8 гектар ер майдони ажратиб берилди. Жорий йилда 46 гектар ерда ғалла парваришланаётди. 25 гектар майдонда пахта, қолган ерларда чорвачилик учун озуқабоп экинлар етиштирилади.

— Майсалар бир текис ривожланаётди, — дейди ёш фермер Маъруф Каримов. — Баҳорнинг дастлабки кунларидан агротехник тадбирларга эътиборни кучайтирдик. Ҳар гектар майдон учун ўртача беш тоннадан маҳаллий ўғит ғамламоқдамиз. Ғалла икки марта шарбат усулида суғорилди. Тажрибали ғаллакорлар маслаҳати асосида майсаларни баргидан озиклантириб, суспензия қиляпмиз.

Ёш фермер хўжалик қошида чорвачиликни ҳам йўлга қўйди. Ўтган йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» танловида иштирок этди. Ёш фермернинг чорвачиликни ривожлантиришга оид лойиҳаси танловнинг мамлакат босқичида ғолиб деб топилди ва 35 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди.

— Ушбу маблағдан самарали фойдаланиб, уни чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирдик, — дейди Маъруф Каримов. — Ҳозир юз бошга яқин қўй ва қорамол парваришляпмиз. Бу ерда олти киши меҳнат қилаётди. Жорий йилда тижорат банкнинг молиявий кўмаги билан хўжалик қошида замонавий тош саралаш заводи барпо этиб, қишлоқларда қурилаётган намунавий лойиҳа асосида янги тураржой массивлари ва бошқа буюртмачиларга қурилишбоп сифатли материал етказиб беришни

мўлжалламоқдамиз. Янги корхонада 18 нафар ёш иш билан таъминланади.

Қумқўрғонлик Умрзоқ Абраев ўтган йили касб-хунар коллежини тугатиб, тумандаги «Чаёнтепа» маҳалласида «Камолот меваси боғи» фермер хўжалигини ташкил этди. Мевали боғ яратиш учун ёш фермерга 28,7 гектар ер ажратиб берилди.

— Айни кунларда яхши ниятлар билан 20 гектар майдонга ток кўчати экаяпмиз, — дейди ёш фермер. — Бу йил янги токзор орасида пахта етиштиришни ҳам режалаштирганмиз. Қолган майдонларда замонавий интенсив боғ барпо этмоқчимиз. Бунинг учун имконият ҳам, шароит ҳам етарли. Биз, ёшларнинг орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш, фаровон ҳаёт кечиришимиз учун яратилган шароитлар ва кўрсатилаётган ғамхўрлик учун Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири

Shukrona

Кутубхонада газета таҳлавларини кўздан кечириб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг «Жамиятнинг мақсади, яъни мафкура бобида ўйларим» сарлавҳали мақоласига кўзим тушди. Бу ёзувчининг ижодига кўпдан бери қизиққанам, катта-кичик асарларини қолдирмай мутолаа қилганим боис, бу мақолани ҳам зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим.

Қалбимизда чексиз фахр

Мақолада юртимизда мустақилликкача ва ундан кейинги дастлабки йилларда ҳукм сурган маънавий-мафкуравий муҳит, юртдошларимизнинг дунёқараши, келажак ҳақидаги ўйлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топганди.

Уйимиздаги ёши улуглар — бобо-бувиларим, ота-онам айтиб берган баъзи гапларни эшитиб, бугунги тараққиётга эришишимиз биз, ёшлар ўйлаганчалик осон кечмаганини англаганман. Шукур Холмирзаев мақоласини ўқигач, бу борадаги ўй-мулоҳазаларим янада ойдинлашди.

Эндигина мустақилликни қўлга киритган давлатнинг давлат сифатида шаклланишига, жаҳон ҳамжамияти орасида муносиб нуфузга эга бўлишига жуда катта меҳнат, сабр-матонат зарур экан. Мустақиллик йилларида бағрикенг, матонатли халқимиз шу нуфузга эришиш учун ўзида куч, сабот топди. Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, барча соҳалардаги самарали ислохотлар дунё давлатлари томонидан эътироф этилмоқда.

Кенг, ёруғ, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган аудиторияларда тажрибали устозларнинг маърузаларини тингларканман, биз, ёшларга берилаётган имкониятлар замирида жонажон халқимизнинг улкан хизмати, давлатимизнинг ўсиб келаётган ёш авлодга адоқсиз меҳр-муҳаббати, юксак ишончи мужассамлигини ҳис этаман.

Нуршод РАМАЗОНОВ,
Тошкент давлат аграр университети
талабаси

Ўқитувчи ўқитмади ҳам, изланади ҳам



Бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини яхшилаш, уларга тўлақонли мустақкам билим бериш борасида касб-хунар таълими муассасаларида янги изланишлар олиб борилаётгани, илғор тажрибаларнинг йўлга қўйилаётгани диққатга сазовор. Айниқса, бунда янги инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш таълимнинг самарадорлигини янада оширмоқда.

Сирдарё саноат касб-хунар коллежи вилоятдаги нуфузли таълим муассасаларидан. Ушбу ўқув масканида 16 та йўналиш бўйича 1325 нафар ўқувчининг кунт билан билим эгаллаётганлиги ва уларга саксондан зиёд маҳоратли ўқитувчилар ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталарининг сабоқ бераётганлиги коллеж имкониятлари кенглигидан далолатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Жанубий Корея лойиҳаси бўйича

олиб келинган замонавий ўқув жиҳозлари таълим жараёнида жуда асқотмоқда. Ушбу лойиҳа асосида иккита компьютер синфи ташкил қилинди. Физика, кимё ва биология фанлари бўйича ўқув-лаборатория хоналари тўлиқ жиҳозланди. Айниқса, бу борада инновацион фани ўқитувчиси Барно Шералиеванинг изланишлари таҳсинга лойиқ. У ўз дарсларида янги инновацион технологиялардан унумли фойдаланмоқда, ўқувчиларнинг информатика

асосларини қизиқиш билан ўрганишларини таъминламоқда.

Худди шунингдек, электротехника фани ўқитувчиси Абдуҳаким Товбаев ҳам ўзининг педагогик иқтидорини намоён этиб, республика миқёсидаги нуфузли танловлардан бирида вилоят вакили сифатида иштирок этди ва сертификатга сазовор бўлди.

Коллежнинг миллий истиқлол ғояси фани ўқитувчиси Хурсаной Маҳқамованинг олиб бораётган педагогик изланишлари ҳам ибратлидир. Ўқитувчи дарс жараёнида имкон қадар ноанъанавий услублардан унумли фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг мустақкам фикрини баён этишига, баҳсли, мунозарали тарзда машғулларни олиб боришга эътиборни қара-

Ta'lim taraqqiyoti

тади.

Ўтган йили Жанубий Корея лойиҳаси бўйича коллежга олиб келинган янги замонавий ўқув жиҳозлари ўқувчиларда катта қизиқиш ва иштиёқ уйғотмоқда. Ҳозирда иккита мультимедиа хонаси, шунингдек, радиотехника жиҳозлари ва пайвандлаш жиҳозлари ўқув хоналарига ўзига хос замонавийлик касб этган ва бундан ўқув машғулотида унумли фойдаланилмоқда.

Коллежнинг ахборот-ресурс марказига олти компьютер ўрнатилган бўлиб, ҳозирда мингдан зиёд электрон дарсликлар тўплами тайёрланган. Таълим муассасасида тўртта лингафон хонаси бор. Ушбу ўқув хоналарининг иккитаси инглиз тилини ва яна иккитаси рус тилини ўрганиш учун мослаштирилган.

Ушбу ўқув йилида 496 нафар ўқувчи коллежни битириш арафасида. Айни пайтда 25 та корхона билан ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўташ бўйича уч томонлама шартномалар тузилган. Ўтган йили тикувчилик ишлаб чиқариш йўналиши бўйича тўрт нафар битирувчи «Микрокредитбанк»дан имтиёзли кредит олиб, ўз иш фаолиятини бошлаб юборди. Ишни энди бошлаётган ёш мутахассислар устозларнинг доимий эътиборида.

Ашуралӣ БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Маҳалла ҳам ота-она...

Халқимизда кўни-кўшнилар фикри билан ҳисоблашиш, маҳаллада ўтказилувчи ободончилик ишлари, тантаналар ва маросимларда иштирок этиш инсоний меҳр-оқибат тимсоли сифатида қадрланиб келинади.

Миллий қонунчилигимизда маҳалла институтига алоҳида эътибор қаратилган. Маҳалла институтини ривожлантириш борасида қатор қонунлар, қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти замирида фуқароларнинг тинч-тотув яшаши, фаровонлигини таъминлаш мақсади ётади. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурида доимий фолият кўрсатувчи ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, яраштирув комиссияси эр-хотин, ота-она ва фарзандлар,

ака-ука, кўни-кўшнилар, ҳатто мактаб ва оилалар ўртасидаги турли келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилишга хизмат қилади. Бундан ташқари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногирон фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этишда маҳалланинг ўрни каттадир. Шунингдек, оилавий бизнес ва тадбиркорликини ривожлантириш, болалар тарбияси билан шуғуланаётган аёллар учун касаначилик асосида иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигига кўмаклашишда маҳаллалар асосий таянч вазифасини ўтайди.

Кўп ҳолларда болаларнинг қаровсиз қолиши уларнинг жиноят кўчасига қадам босишига сабаб бўлади. Афсуски, ора-мизда ота-оналик вазифасини тўлақонли даражада бажармаётган инсонлар йўқ эмас. Ана шундай нотинч оилалар биринчи навбатда маҳаллалар эътиборига олиниб, доимо назорат қилинади. Ёши улуғларга ҳурмат-иззат ва ғам-

хўрлик кўрсатиш борасида ҳам маҳаллаларда бир қанча қадриятлар сақланган. Хусусан, маҳаллада тарбияланиб ўсган бирор киши кекса ота-онасини қаровсиз қолдирмайди. Кекса ва ёлғиз кўни-кўшнилар ҳолидан хабар олиш ҳам қадрият ҳисобланади.

Ёшларнинг ёмон йўллarga кириб кетмаслиги, оилалар тинчлиги, фаровонлиги ҳар доим маҳалла фаолларининг эътиборида бўлиб келаётганлиги маҳалла институтининг ижтимоий ҳаёти-мизда нечоғлик аҳамият касб этишини яна бир бор тасдиқлайди. Шу туфайли мамлакатимизда маҳалла институтининг фуқаролик жамияти институтлари орасидаги обрў-эътибори тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Нурулла ИМОМОВ,
юридик фанлар доктори.
Азамат АБЗАЛОВ,
юридик фанлар номзоди

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси!

Наврўз асрлар давомида яшаб келаётган азиз қадриятларимиз, урф-одатларимиз асосида нишонланиши билан барчамиз учун сеvimли байрамдир. Масалан, юртимизнинг бирор гўшаси йўқки, унда Наврўзи олам миллий ўйинларимиз, асрий урф-одатларимизсиз ўтса.

Юрагида ўти бор йигитлар арқон тортиш, кураш, пойга, улоқ-кўпкари мусобақаларида куч синашишса, қизлар пазандалик, уй-рўзгор ишларидаги эпчилликларини намойиш этишадди. Умуман, Наврўзни қадрдон аънаналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Жиззах вилоятида қутлуг айём муносабати билан ўтказилган улоқ-кўпкари мусобақаси ҳам ана шундай муборак урф-одатларимиз барда-

вомлигига мисол бўлади.

Аввало, айтиш керакки, Жиззах отчопарида уюштирилган ушбу Ўзбекистон очик турнири от спортининг фидойиси, ҳаёти давомида улоқ-кўпкари бўйича юксак натижаларга эришган инсон Босим полвон Муродқосимов хотирасига бағишланди. Унда республикамиз вилоятларидан тўрт юзга яқин чавандоз иштирок этди.

Қизгин ўтган мусобақада полвонлар ўзларининг куч,



ирода ва матонатларини намойиш этишди. Якунда эса, мусобақа ғолиблиги Сирдарё вилояти чавандозларига насиб этди. Турнир аввалида ғолибликка асосий даъвогар сифатида тилга олинган мезбон вилоят полвонлари иккинчи ўрин билан кифояланган бўлсалар, учинчи ўринни Бухоро, тўртинчи ўринни Фаргона вилояти кўпкари усталари

эгаллади.

Наврўз сайли улоқ-кўпкари мусобақасига уланиб, юртдошларимизга, ёш спорт ихлосмандларига олам-олам завқ бахш этди.

Ўткир Пўлатов,
Ўзбекистон Республикаси улоқ-кўпкари федерацияси фахрийлар кенгаши аъзоси

БОЛАЛИК...

Болалик.

Далалар кезилди яёв,
Чиллак оёқларда чопарди дунё.
Мен сенинг кўзингда кўргандим олов,
Умрим йўлларида бахтимдинг ё?

Болалик.

Эҳ... Сенга қайтиб бўлмайди!
Мен — сени соғинган ўша гўдакман.
Сирингни бировга айтиб бўлмайди,
Ўн ёшингда севиб қолсанг юракдан.

Болалик.

Чангиган кўчалар аро
Синфдош қизларнинг шўхликларини,
Хаёлга элитган ширин хотира
Ва эслашдир узун киприкларини...

Ҳеч кимга айтмасдан шеърга ёрилмоқ,
Отангнинг оқ сочин кўриб оғринмоқ,
Онангнинг ажинсиз юзин соғинмоқ —
Болалик...

ЁМҒИР ОСТИДА

Булуллар кўзида жикқа ёш
Ўртаниб ситилар самода.
Гулларнинг покиза ифори
Учмоқда тозарган ҳавода.

Бунчалар ёқимли куй — ёмғир!
Япроққа томмоқда кулгиси.

Сеҳргар томчилар юракни —
Атиргул косаси қилгуси.

Кўксимда ажиб бир ҳалинчак
Ва ёмғир ёғади сим-сим, сим...
Борлиққа сўнг шабнам сингари
Томчилаё бошлайди ҳисларим.

ТОНГ

Бедорликка сўнг қўйиб нуқта,
Соҳир сахар бошлар маросим.
Мана, парқу булуллар кўкда
Ёруғликка қилишар таъзим.

Қуёш нури — оппоқ тойчоқлар,
Сақраб тушар фалак тоmidан.
Ва барглари бир-бир қучоқлар,
Уялишган гуллар номидан.

ОНАМГА

Она, қорлар тушиб қолди
Йўлимизга,
Соғинчларнинг каптарлари
Кўнглимизда.
Оқ ёмғирлар ёғиб ўтди
Тушларимдан.
Қайноқ селлар келаётир
Ичларимдан...
Яна йўллар хотирамга
Чизилар сўнг,
Қари тутлар қатор-қатор
Тизилар сўнг.

Yoshlik ilhomi



Сўнгра бари эсланади
Хаёл ичра —
Хотиралар юрагимга
Бахт ичирар.

АВТОБУСДА

Шовқинзор дунёни тиндириб кетдинг,
Ёнимда жимгина ўлтириб кетдинг.
Кўксимда бир қадаҳ турарди бўм-бўш,
Сен хаёлинг билан тўлдириб кетдинг.

Очилмишдир турфа гуллар боғимда,
Она, пастликлардан баландроқ учдим.
Аммо сизни ғамгин кўрган чоғимда,
Яшашга ҳам етмай қолади кучим.

Мансур ФАНИЕВ

Ma'naviyat

Узун туманининг Алишер Навоий номидаги маданият саройида тумандаги ўрта махсус касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Шу азиз Ватан — барчамизники!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Унда Ҳаракатнинг туман кенгаши фаоллари, «Ташаббускор ёшлар» клуби аъзолари ҳамда ёшлар иштирок этди.

ҚАДРИЯТЛАРГА ЭҲТИРОМ

Тадбирда ўқувчилар юртимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ўғитлари асосида Ватани мадҳ этувчи бадиий, ижодий саҳна кўринишларини намойиш этдилар. Айниқса, фестиваль иштирокчилари томонидан тайёрланган, ватанпарварликка йўғрилган видеороликлар, спорт ўйинлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Бугунги фестиваль ёшлардаги ватанпарварлик, она юртга муҳаббат туйғуларини юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир, — деди «Камолот» ЁИХ Узун тумани кенгаши раиси Бахтиёр Нарзикулов. — Шу боис тадбирда миллий қадриятларимизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига алоҳида урғу бердик. Чунки ёшлар тарихимизни, қадриятларимизни қанчалик чуқурроқ ўрганса, «оммавий маданият» хуружларига қарши мустаҳкам иммунитет ҳосил қилишлари осон бўлади.

Тадбир ёшлар қалбига олам-олам завқ улашиш баробарида бобомерос қадриятларимизга бўлган ҳурматларини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбири

Bunyodkorlik

Урганч шаҳридаги «Ёшлар кўли» дам олиш масканида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари кун сайин қизгин тус олмақда. Маскан ҳадемай, кўзни қувнатадиган бўлади.

ЁШЛАР КЎЛИ ЯНГИ ҚИЁФАДА

Бунинг учун қурувчилар ўзларининг бор маҳоратларини ишга солишмоқда, кўзда тутилган ишларни босқич-ма-босқич амалга оширишмоқда.

Кўл оддий кўл эмас, синчиклаб боқилса, чинакам денгизни эслатади. Йўғ-е, дейсизми? Ишонаверинг. Унинг ўзига хос митти оролчаси ҳам бор. У масканга борган болалар учун чинакамига оролдир. У ерда болалар жаҳонга машҳур Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг кичик макетини томоша қилишлари, истасалар, ушбу шаҳарлардаги муборак қадамжоларни «зиёрат қилишлари» ҳам мумкин.

— Кўриб турганингиздек, ишларни режа асосида олиб бораёямиз, — дейди «Ёшлар кўли» дам олиш маскани реконструкция қилиш дирекцияси бошлиғи Одилбек Жиянов. — Насиб этса, яқин ойлар ичида катта-кичик ишларнинг барини якунига етказамиз. Бу маскан ёшларимиз, умуман, барча юртдошларимиз учун катта тухфа бўлади, деган умиддамиз.

Бунёдкорлар билан ҳам суҳбатлашдик. Улар Урганчнинг сўлим гўшларидан бири саналмиш ушбу масканининг янги, замонавий ва гўзал қиёфа касб этишида ўзларининг кўшаётган ҳиссаларидан мамнун эканликларини билдиришди.

Эрпўлат БАХТ

